

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**

**СУЛТАНОВА НАФИСА СОБИРОВНА**

**ОЗИҚЛАНТИРИШ ТУРИ ВА ПАРВАРИШ ТАМОЙИЛЛАРИГА  
БОҒЛИҚ ҲОЛДА БОЛАЛАРНИНГ СОМАТИК ҲОЛАТИ ВА  
РИВОЖЛАНИШ ДИНАМИКАСИ**

**14.00.09 – Педиатрия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)**

**Султанова Нафиса Сабировна**

Озиқлантириш тури ва парвариш тамойилларига  
боғлиқ ҳолда болаларнинг соматик ҳолати ва  
ривожланиш динамикаси ..... 3

**Султанова Нафиса Сабировна**

Динамика соматического статуса и развития детей  
в зависимости от видов вскармливания и  
принципов ухода ..... 22

**Sultanova Nafisa Sabirovna**

Dynamics of somatic status and development of children depending on the  
form of feeding and principles of care ..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 47

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**

**СУЛТАНОВА НАФИСА СОБИРОВНА**

**ОЗИҚЛАНТИРИШ ТУРИ ВА ПАРВАРИШ ТАМОЙИЛЛАРИГА  
БОҒЛИҚ ҲОЛДА БОЛАЛАРНИНГ СОМАТИК ҲОЛАТИ ВА  
РИВОЖЛАНИШ ДИНАМИКАСИ**

**14.00.09 – Педиатрия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2018**

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Tib17 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифанинг [www.tashpmi.uz](http://www.tashpmi.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталининг [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Мухамедова Хадича Тулқуновна**

тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Шамсиев Фазлиддин Сайфутдинович**

тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Исмоилова Адолат Абдурахимовна**

тиббиёт фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Республика ихтисослаштирилган педиатрия  
илмий-амалий тиббиёт маркази**

Диссертация ҳимояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.29.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ кунини соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент шаҳри Боғишамол кўчаси 223-уй. Тел./факс: (+99871) 262-33-14; e-mail: mail@tashpmi.uz).

Диссертация билан Тошкент педиатрия тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100140, Тошкент шаҳри Юнусобод тумани Боғишамол кўчаси 223 - уй. Тел./факс: (+99871) 262-33-14.

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ кунини тарқатилди.  
(2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.В.Алимов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Э.А.Шамансурова**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Д.И.Ахмедова**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда болаларнинг меъерий даражада овқатланмаслиги тиббий ва ижтимоий муаммолардан бирига айланган. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра соғлом овқатланиш мезонларига мос овқатланмаслик 50% дан ортиқ болалар ўлимига сабаб бўлмоқда. «5 ёшгача бўлган 41 миллион болалар орасида ортиқча тана вазни ва семириш, 155 миллион болада ўсишдан орқада қолиши ҳамда 52 миллион болаларда бўй-вазнисбати паст бўлиши тўлақонли овқатланмаслик ва кўп касалланиш асоратлари аниқланган. Ривожланган мамлакатларда кунига 40 минг нафар беш ёшгача бўлган болалар сифатли ва меъерий даражада овқатланмаслиги натижасида дақиқасига 28 нафар бола ҳаётдан кўз юммоқда»<sup>1</sup>. «Бир ёшгача бўлган болаларни фақат она сути билан озиқлантириш кўрсаткичлари турли мамлакатларда 30 дан 70% гачани ташкил этади»<sup>2</sup>.

Жаҳонда болаларни озиқлантириш тури ва парвариш тамойилларига боғлиқ ҳолда соматик ҳамда оқилона ривожланишни таъминлашга қаратилган қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг жисмоний-соматик ҳамда руҳий-эмоционал ривожланишига озиқлантириш ва парвариш турларининг боғлиқлиги, уларнинг турли ёш даврларида иммунитет ҳужайравий ва гуморал бўғин кўрсаткичлари, она сутидаги фаол биологик моддаларнинг бола ўсиши ва ривожланишига таъсири аниқланди. Болаларнинг ривожланиши ва ҳаёт сифати пасайишига олиб келувчи соматик патологиялар келиб чиқиш хавфини камайтиришга йўналтирилган ёндашувларни ишлаб чиқиш ҳамда профилактик чора-тадбирларни такомиллаштириш, болаларнинг ўсиш, ривожланиш ва меъерий даражага мос келадиган гормонал шаклланиш алгоритмини ишлаб чиқиш, профилактик чора-тадбирлар механизмини такомиллаштириш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Мамлакатимизда илк болалик давридаги гўдакларни озиқлантириш ва гормоник ривожланишини таъминлашга бағишланган тадқиқотларда салмоқли натижалар олинди. Аммо шунга қарамасдан соғлиқни сақлаш тизимида ҳал этилиши керак бўлган қатор муаммолар мавжуд. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини ошириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оналар ва болаларнинг соғлом овқатланиш каби соғлом турмуш тарзини шакллантириш»<sup>3</sup>га қаратилган муҳим вазифалар қўйилди. Ушбу вазифаларни амалга оширишда гўдакларга кўрсатиладиган тиббий хизмат даражасини янги босқичга кўтариш, болалар орасида ривожланадиган соматик касалликларнинг олдини олиш, айниқса, нотўғри овқатланиш

<sup>1</sup>World Health Organization. World Health Statistics 2016. – Geneva: World Health Organization, 2016.

<sup>2</sup>Фурцев В. И. Убежденность в без альтернативности и реализации грудного вскармливания // Педиатрия. - М., 2016. - №5. - С. 50-52.

<sup>3</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони

натижасида келиб чиқадиган жисмоний-соматик ҳамда рухий эмоционал ривожланиш асоратларини камайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2016 йил 2 ноябрдаги ПҚ–2650-сон «Ўзбекистонда 2016–2020 йилларда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Озиқлантириш турлари ва парвариш усулларининг болалар соғлиғи ва ривожланишига таъсирини ўрганиш борасида Дания, Швеция, Россия Федерацияси ва Ўзбекистон Республикаси олимлари томонидан амалга оширилган илмий-тадқиқотлар алоҳида эътиборга молик. J.W.Anderson (2017), L.A.Hanson (2017), C.Williams et al. (2016), M.J.Bryan (2016), L.J.Horwood et al. (2016), A.Lucas et al. (2016) парвариш турлари ва озиқлантиришнинг жисмоний ривожланиш, саломатлик ҳолати, болаларнинг рухий салоҳиятига таъсири самарадорлигини баҳолаш бўйича қарама-қарши фикрлар билдиришган. Олиб борилган айрим тадқиқотлар она сути билан озиқлантирилган болалар ўзларининг биологик ёшларидан ўзиб кетишлари мумкинлигини кўрсатса (Воронцов И.М., Фатеева Е.М., 2018), бошқалари озиқлантириш турларига боғлиқ ҳолда жисмоний ривожланишда сезиларли фарқ бўлмаслигини таъкидлайди (Абольян Л.В. ва ҳаммуаллиф., 2014). Адабий манбаларда келтирилишича, рухий-эмоционал ривожланиш озиқлантириш турларига боғлиқ кечади. Бироқ айрим муаллифлар фикрича, бу фарқлар болалар ҳаётининг биринчи йилларида кузатилса, бошқаларда кўпроқ рухий-эмоционал зўриқиш (бола боғчага ёки мактабга чиққанда) ошиб боради (Михеева И.Г. ва ҳаммуаллиф., 2016; Нетребенко О.К., 2016).

Мамлакатимизда рационал овқатланишнинг издан чиқиши билан боғлиқ аллергия патологиялар ривожланиши (Давлетова З.Ж., 2007), тез-тез юқумли касалликларга чалиниш, ошқозон-ичак тизими, юрак-қон томир ва сийдик тизимининг сурункали касалликлари (Сатторова Р.П., 2006; Салихова К.Ш., 2018), гормонал бошқарув ва моддалар алмашинувининг бузилиши (Жиемуратова Г.К., 2007) каби муаммоларни ўрганишга қаратилган қатор тадқиқотлар амалга оширилган. Болалар касалланиши ва тўсатдан ўлим синдроми ривожланиш хавфи чақалоқларда оёқ-қўлларни зич йўргаклашда

жуда юқори (Сатторова Р.П., 2006). Бу ўз навбатида диафрагма экскурсиясини чегаралаш, қон айланишининг бузилиши ва шу туфайли келиб чиқадиган тез-тез ўткир респиратор касалликларга чалинишга мойилликни оширади (Волгина С.Я, 2015). Парвариш усулларининг болалар соғлиғи ва ривожланишига таъсирини ўрганиш бўйича тадқиқотлар етарли эмас.

Бугунги кунда дунёда гўдаклик даврида озиқлантириш турларининг узоқ йиллар давомида болалар соғлиғига таъсирини ўрганишга қизиқиш тобора ошмоқда. Болаларда озиқлантириш турлари ва парвариш усулларининг жисмоний-соматик, иммунологик ва руҳий-эмоционал ривожланишига таъсирини ўрганиш тиббиётда устувор йўналишлардан бири ҳисобланади. Болаларнинг касалланиши ва ривожланишидаги ўзгаришларга олиб келувчи нораціонал овқатланиш, парвариш усулларининг бузилиши асосиз тиббий аралашувларга олиб келиши тадқиқотлар ўтказиш асос бўлиб хизмат қилади. Бажарилган ишлар ва ўтказилган тадқиқот натижалари таҳлилини ҳисобга олган ҳолда ушбу тадқиқот республикамизда илк мартаба амалга оширилди.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент врачлар малакасини ошириш институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 02090011 рақамли «Она, ҳомила, болалар ва ўсмирлар касалликларини эрта ташхислаш, даволаш ва профилактика усулларини ишлаб чиқиш» (2011–2016) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** озиқлантириш турлари ва парвариш усулларининг болалар жисмоний-соматик, иммун тизим ва руҳий-эмоционал ривожланиш кўрсаткичлари динамикасига таъсирини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

болалар жисмоний-соматик ҳолатига озиқлантириш турлари ва парвариш усулларининг таъсирини аниқлаш;

болалар руҳий-эмоционал ҳолатига озиқлантириш турлари ва парвариш усулларининг боғлиқлигини баҳолаш;

озиқлантириш турлари ва парвариш усулларининг болалар турли ёш даврлари иммунитет ҳолати ўзгаришлари динамикасига таъсирини аниқлаш;

озиқлантириш турлари ва парвариш усулларига боғлиқ соматик патологиялар ривожланиш хавфини камайтиришга йўналтирилган ёндашувларни ишлаб чиқиш;

бола ўсиши, ривожланиши ва рационал шаклланиши алгоритмини такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида озиқлантириш турлари ва парвариш усулларига боғлиқ ҳолда 445 нафар 1 ёшдан 6 ёшгача бўлган болалар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** бўлиб болалар вена қони ва зардоби клиник-лаборатория ва иммунологик таҳлиллари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда умумклиник, антропометрик, клиник-лаборатор, иммунологик, психологик тест, математик моделлаштириш ва статистик каби тадқиқот ва таҳлил усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

она сути билан озиқлантирилган болаларнинг соматик ҳолати, иммун тизими, вербал ва новербал синама кўрсаткичларининг ёшига мос равишда бўй- вазн индекси кўрсаткичлари билан боғлиқлиги исботланган;

илк бор болаларнинг интеллектуал ва руҳий-эмоционал ҳолати психологик синамалар орқали озиқлантириш тури ҳамда парвариш тамойилларига боғлиқлиги исботланган;

болалар ривожланиши критик даврлари иммунитетига хужайравий (CD8+, CD16+, CD20+, CD23+) ва гуморал (IgA, M, J) бўғини кўрсаткичларига табиий озиқлантириш ва оқилона парваришнинг таъсири аниқланган;

илк бор сунъий озиқлантириш натижасида ривожланадиган жисмоний, иммун, руҳий-эмоционал ва соматик патологиялар келиб чиқиш хавф омилларини камайтириш асосида камқонлик, нафас аъзолари ва ошқозон-ичак тизими касаллиги профилактикасига клиник-иммунологик ёндашувлар такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

мутлақ кўкрак сути билан озиқлантириш ва қўлланилган парвариш усуллари натижасида болалар саломатлик индексининг ортиши асосланган;

озиқлантириш турларига боғлиқ ҳолда болаларнинг жисмоний, соматик ва руҳий ривожланишида парвариш тамойилларини оптималлаштириш зарурлиги исботланган;

математик моделлаштириш усулида соматик патологиялар ривожланиш хавфини башоратлашнинг зарурий мезонлари ишлаб чиқилган;

бола ўсиши, ривожланиши ва рационал шаклланишини баҳолаш учун дастурий маҳсулот ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда замонавий усул ва ёндашувларнинг қўлланилганлиги, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, маълумотларга статистик усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти озиқлантириш тури ва парвариш тамойилларига боғлиқ ҳолда болаларнинг соматик ҳолати ҳамда ривожланиш динамикасини аниқлаш республикада келажакда чуқур тадқиқотлар олиб боришга замин яратади ҳамда болаларда аниқланган жисмоний-соматик, иммун тизим ва руҳий-эмоционал ривожланиш кўрсаткичлари динамикаси бола ривожланиши критик даврлари ўзгаришларига боғлиқлиги асосида келиб чиқадиган касалликларнинг янги жиҳатларини аниқлашга хизмат қилади.



Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган озиклантириш турларига боғлиқ ҳолда болаларнинг жисмоний, соматик ва руҳий ривожланишида парвариш тамойилларини оптималлаштириш, соматик патологиялар пайдо бўлиш хавфини башоратлашнинг зарурий мезонлари бола ўсиши, ривожланиши ва рационал шаклланиши, касалликларининг камайиши, жисмоний ва руҳий-эмоционал ҳолатини яхшилаш имконини беради.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Озиклантириш тури ва парвариш тамойилларига боғлиқ ҳолда болаларнинг соматик ҳолати ва ривожланиш динамикасини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Озикланиш турларига боғлиқ ҳолда болаларнинг жисмоний, соматик ва руҳий ривожланишида парвариш тамойилларини оптималлаштириш усуллари» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 31 майдаги 8н-д/137-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма болалар жисмоний, соматик ва руҳий ривожланиши, овқатлантириш турларини инобатга олган ҳолда соматик патологиялар ривожланиш хавфини башоратлаш, болаларнинг гормоник ривожланиши шаклланишига янгича ёндашиш имконини берган;

«Озикланиш турларига боғлиқ ҳолда болаларнинг жисмоний, соматик ва руҳий ривожланишида парвариш тамойилларини оптималлаштириш усуллари» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 31 майдаги 8н-д/137-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма сунъий овқатланишнинг болалар жисмоний, руҳий-эмоционал ривожланишига таъсирининг хавф омилларини баҳолаш мезонларини башоратлаш имконини берган;

озиклантириш тури ва парвариш тамойилларига боғлиқ ҳолда болаларнинг соматик ҳолати ва ривожланиш тамойилларини янада такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш тизимига, жумладан, Тошкент вилояти Зангиота тумани қишлоқ врачлик пункти ва Тошкент шаҳар Олмазор тумани марказий поликлиникаси клиник амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 26 июндаги 8н-з/140-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши соматик касалликларнинг олдини олиш, болаларда касалликнинг енгил кечишига эришиш орқали даволаш-профилактика муассасаларида мурожаатлар сонини камайтириш ҳамда даволаш сарф-харажатларини қисқартириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 9 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 8 та халқаро ва 1 та республика анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 29 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та

мақола, жумладан, 4 таси хорижий ва 6 таси республика журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Озиқлантириш ва парвариш усуллари**нинг **болалар соғлиғи ва ривожланишига таъсири»** деб номланган биринчи бобида маҳаллий ва хорижий адабиётлар маълумотлари шарҳи келтирилган. Шарҳда болаларнинг жисмоний ривожланиши ва руҳий-эмоционал кўрсаткичларнинг болалар соғлиғига сабаб-оқибатли ўзаро боғлиқлиги, иммун тизим ҳолати ва хусусиятлари ҳақидаги маълумотлар, замонавий парвариш усуллари

нинг **болалар саломатлиги ва ривожланишига таъсирини баҳолашнинг материал ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот материал ва усуллари баён этилган. Озиқлантириш турлари ва парвариш усуллари билан фарқланувчи болалар ўртасида 2004–2014 йиллар мобайнида узлуксиз динамик кузатув ўтказилиб, туғилгандан бошлаб 6 ёшгача бўлган 445 нафар болаларда клиник, психологик ва иммунологик текширувлар натижалари тадқиқотнинг асосини ташкил этган. Тадқиқотнинг мақсад ва вазифаларига мувофиқ кузатувдаги болалар озиқлантириш турлари ва парвариш усуллари

дан келиб чиққан ҳолда 4 гуруҳга бўлинган. Биринчи гуруҳни мутлақ она сути билан озиқланган (МОСО) 287 нафар (65%); иккинчи гуруҳни она сути устуворлиги билан озиқланган (ОСУО) 44 нафар (9,9%); учинчи гуруҳни аралаш озиқланган (АО) 54 нафар (12%) ва тўртинчи гуруҳни сунъий озиқланган (СО) 60 нафар (13,5%) болалар ташкил этган. Тадқиқот давомида қуйидаги парвариш усуллари татбиқ этилди: эркин йўргаклаш, сўрғичлардан фойдаланмаслик, тез-тез чўмилтириш (1 кунда 2–3 марта), турли шифобахш гиёҳлар ёрдамида (мойчечак, қизилпойча, маврак, иттиканак) ва тузли ванналар қабул қилиш. Сувнинг ҳарорати 36,6–37 даражагача бўлиши, чўмилитришда сунъий ювиш воситалари, нам салфеткалар, турли ёғлар, сепувчи кукунлар, бир марталик тагликлардан фойдаланмаслик тавсия этилди. Асосий гуруҳ 363 нафар боладан иборат.

Назорат гуруҳини ташкил этган иккинчи гуруҳ анъанавий усуллар қўлланган 82 нафар болаларни қамраб олди ва юқорида айтиб ўтилган парваришнинг аксини намоён қилди.

Клиник-лаборатор усуллардан умумий қон таҳлили, сийдик ва ахлат таҳлили, нейросонография, УТГ ўтказилди. Шикоятлар, анамнез маълумотлари, невропатолог, гастроэнтеролог ва бошқа тор мутахассислар маслаҳатларидан фойдаланилди. Шунингдек, болаларнинг психо-эмоционал ҳолати Керн-Иразека синамаси ёрдамида текширилди.

Иммун тизим ҳолатини баҳолашда қуйидаги усуллар қўлланди: фиколл-верографин градиентида периферик қондан лимфоцитларни ажратиб олиш (Woym, 1968), CD3, CD4, CD8, CD16, CD19, CD25 ва CD95 моноклонал антитаналари ёрдамида (ООО Сорбент маҳсулоти, РФ, Москва) лимфоцитларнинг субпопуляциявий таркибини аниқлаш, А, М, G иммуноглобулинлари концентрациясини Манчини бўйича стандарт радиал иммунодиффузия усулида аниқлаш. Мононуклеар хужайралар периферик қондан Woym (1968) усулида 1,077 г/мл зичликдаги фиколл-верографин зичлик градиентида ажратиб олиш йўли билан олинди.

ЦИК миқдори шартли бирликларда (ш.б.) ифодаланди.

Тафовутлар  $p < 0,05$  бўлганида статистик аҳамиятга молик деб топилган. Корреляцион таҳлил Спирмен ( $R_s$ ) ва Пирсон ( $r$ ) услубларидан фойдаланиб олиб борилди.

Диссертациянинг «**Озиқлантириш турлари ва парвариш усуллари билан боғлиқ ҳолда болаларнинг турли ёш даврларидаги соматик ҳолати**» деб номланган учинчи бобда болаларнинг турли ёш даврларида озиқлантириш турлари ва парвариш усулларига боғлиқ ҳолда соматик ҳолат натижалари келтирилган. Сунъий озиқланган ва анъанавий парвариш усуллари қўлланилган болаларда мутлақ фақат она сути билан озиқланган ва таклиф этилан парвариш усулларида фойдаланган болаларга нисбатан касалликнинг учраши қуйидаги кўринишда қайд этилди: ОРЗ – 3,5, пневмония – 1,7, ошқозон-ичак тизими касалликлари – 2,4, камқонлик – 1,4, рахит – 3,7, аллергия касалликлар – 2,6, стоматитлар – 1,5 марта кўп.

ОРЗ билан касалланиш давомийлиги, яъни бир йил давомида касалланган умумий кунлар сони, бошланғич, авж олиш, тузалиш даврини ўз ичига олган ҳолда шуни кўрсатдики, касалланиш давомийлиги мутлақ она сути билан озиқланган (МОСО) 1-гуруҳда  $10,81 \pm 11,74$  кун, она сути устуворлиги билан озиқланган (ОСУО) 2-гуруҳда  $40,56 \pm 32,36$  кун, аралаш озиқланган (АО) 3-гуруҳда  $41,96 \pm 38,13$  кун ва сунъий озиқланган (СО) 4-гуруҳда  $72,58 \pm 33,74$  кунни ташкил қилди.

Шунингдек, даволаш давомийлиги озиқлантириш турлари билан боғлиқ бўлиб, 1-гуруҳда  $2,58 \pm 7,29$  кунни ташкил этди ва бу оғишларнинг ўрта кўрсаткичлардан силжишига олиб келди. ОРЗ билан касалланган болаларда она сути билан тўлиқ озиқлантириш ва парвариш усуллари касалликнинг енгил кечишига ёрдам берди ҳамда кўп ҳолларда даволаш чоралари қўлланилмаганлиги билан ҳам изоҳланди. Даволаш давомийлиги 2-гуруҳда

15,42±16,18 кун, 3-гуруҳда 26,22±17,97 кун ва 4-гуруҳда 40,67±18,83 кунни ташкил қилди

Пневмониянинг учраши турли гуруҳларда турлича бўлиб, 1- ва 2-гуруҳларда бу кўрсаткичлар пастлиги билан изоҳланди. Пневмония билан касалланиш давомийлиги кўрсаткичи 1-гуруҳда энг кам бўлиб, ўртача 0,36±0,11 кунни ташкил қилди. Ўртача кўрсаткичнинг 1 дан камлиги болаларнинг пневмония билан деярли касалланмаганлигидан далолат беради. Даволаш давомийлиги 3- чи ва, асосан, 4-гуруҳда юқори бўлди.

Ошқозон-ичак тизими функционал бузилиши касаллигининг учраши турли гуруҳларда фарқланиб, сунъий озиклантириш ва гигиеник талабларга риоя қилмаслик ҳолатларида бу кўрсаткичлар юқори бўлди. Даволаш давомийлиги кўрсаткичлари ҳам 3- ва 4-гуруҳларда юқорилигича қолди.

Ўтказилган тадқиқодлар натижасида энг кам алергик касалликлар билан касалланиш кўрсаткичлари мутлақ она сути билан озикланган болалар гуруҳида 0,043±0,034 мартани ташкил қилди. Шунингдек, касалланиш давомийлиги ҳам 1-гуруҳда бошқа гуруҳларга нисбатан энг паст кўрсаткич – 1 йилда 1,08±1,02 кун, 2-гуруҳда – 2,88±0,73 марта, 1 йилда 80,35±21,66 кун, 3-гуруҳда 3,19±0,77 марта, 1 йилда 83,95±22,43 кун ва 4-гуруҳда 5,63±1,04 марта, йилига 147,67±31,57 кунни ташкил этди (P<0,001).

1–3 ёшли сунъий ва аралаш озикланган болалар ўртасида соматик ҳолатнинг бузилиши натижасида ОРЗ, камқонлик, ошқозон-ичак тизимининг функционал бузилиши, неврологик ва алергик касалликлар билан касалланиш кўрсаткичлари мутлақ ва она сути устуворлиги билан озикланган болаларга нисбатан юқорилиги кузатилди.

4–6 ёшли болалар ўртасида мутлақ она сути билан озикланган ва татбиқ этилган парвариш усуллари қўлланган гуруҳда ОРЗ (9% ва 17% мос ҳолда), ошқозон-ичак тизимининг функционал бузилиши (13% ва 17% мос ҳолда), камқонлик (11% ва 28% мос ҳолда), рахит асоратлари (1% ва 6% мос ҳолда), церебрал ишемия асоратлари (8% ва 17% мос равишда) назорат гуруҳи билан таққосланганда асосий гуруҳда ОРЗ билан касалланиш кўрсаткичлари – 16% ва 15%, ошқозон-ичак тизимининг функционал бузилиши мос ҳолда 9% ва 15%, камқонлик 6% ва 31%, рахит асоратлари 2% ва 8% ни ташкил этди.


Аралаш ва сунъий озикланувчи болаларда ўхшаш ҳолатлар кузатилди. ОРЗ билан касалланиш фоизи асосий гуруҳда – 43% ва 57%, пневмония – 7% ва 11%, ошқозон-ичак тизимининг функционал бузилиши – 39% ва 50% мос ҳолда. Пневмония билан касалланиш кўрсаткичларининг юқорилиги мос ҳолда 43% ва 64% ни ташкил этди.

Шундай қилиб, болаларда соматик ҳолат ривожланишига ёрдам берувчи омиллар бўлиб қуйидагилар ҳисобланади: кўкрак сути билан мутлақ озиклантириш, татбиқ этилган парвариш усулларида фойдаланиш.


**Диссертациянинг «Озиклантириш турлари ва парвариш усулларига боғлиқ ҳолда болаларнинг турли ёш даврларида жисмоний ва руҳий-эмоционал ривожланиши» деб номланган тўртинчи бобида жисмоний ва руҳий эмоционал ҳолатлари узлуксиз равишда**

назорат қилиниб, озиқлантириш турлари ва парвариш усуллариининг самарадорлиги баҳоланган.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, янги туғилган чақалоқларнинг вазн ва бўй кўрсаткичлари гуруҳларда деярли ўзгармаган ва ўртача  $3395,4 \pm 450,9$  г ҳамда  $52,3 \pm 3,1$  см ни ташкил этган.




Қиз болалар




Ўғил болалар

**Ёшга нисбатан вазн**




Қиз болалар




Ўғил болалар

**Ёшга нисбатан бўй**



Қиз болалар



Ўғил болалар

**Ёшга нисбатан вазн-бўй индекси**

**1-расм. Антропометрик кўрсаткичлар динамикаси.**

Мутлақ она сути билан озикланган болаларда ўртача вазн кўрсаткичи 3 ойликда бошқа гуруҳларга нисбатан ҳаққоний ошганлиги қайд этилди. Бола вазнидаги ўсиш суъратида ўзгариш кузатилмади. Бола 6 ойлигида вазн кўшиши ва ўртача вазннинг энг юқори кўрсаткичи сунъий озикланган болаларда намоён бўлди. Бу кўрсаткичлар мутлақ она сути билан озикланган болаларда нисбатан кам бўлиб, ҳаққонийлиги ( $P < 0,01$  –  $P < 0,001$ ), бу ёшдаги меъерий кўрсаткичларга мос келиши ва оптималлигини акс эттиради.

Шундай қилиб, аниқланган натижалар кўрсатишича, сунъий озикланган болаларда ортиқча вазн йиғишга мойиллик юқори. Она сути устуворлиги ва аралаш озикланувчи болаларда вазн кўшилиши ва унинг ўртача кўрсаткичлари бу ёшда мутлақ она сути билан озикланган болаларнинг оптимал кўрсаткичларидан ҳаққоний камлиги билан фарқланади ҳамда болаларнинг жисмоний ривожланишдан орқада қолаётганлигини кўрсатади. Болаларнинг 9 ва 12 ойлигида ўсиш суръати динамикада сақланиб қолди.

Аниқланган антропометрик маълумотларга кўра МОСО ва УОСО гуруҳларида ёшга нисбатан ўртача вазн ва бўй кўрсаткичлари барча ёш даврларида медиана ва « $\pm 1СО$ » оралиғидаги меъерий кўрсаткичларга мос келди. Шунингдек, ўсиш жараёнида аралаш ва сунъий озикланган гуруҳдаги болаларда вазн ва бўй кўрсаткичлари мутлақ ва она сути устуворлиги билан озикланган болаларнинг кўрсаткичларидан юқорилиги кўзга ташланди. Айниқса, вазндаги энг катта фарқ барча ёш даврларида « $\pm 2$  ва  $\pm 3СО$ » оралиғида тебраниб, вазн ортиши ва вазн йўқотиш хавфи юқорилиги аниқланди.

Озиклантириш турлари билан фарқланадиган болаларда жисмоний ривожланиш таҳлили ўтказилганда, вазн-бўй индекси кўрсаткичлари умумий барча гуруҳлардаги 78,6% болаларда медиана ва « $\pm 1СО$ » оралиғида бўлиб, стандарт кўрсаткичлардан орқада қолиш кузатилмаган. Вазн-бўй индекси БЖССТ стандарт кўрсаткичларига мос келиб, индивидуал кўрсаткичлар таҳлили натижасида ҳам тасдиқланган.


Аралаш озикланган болаларда оксил-энергия етишмовчилиги кўрсаткичлари турли даражаларда аниқланган. Сунъий озикланган болаларда эса бу кўрсаткичлар вазннинг ортиши ва семиришга мойиллик далолат беради.

Мутлақ она сути билан озикланган болалар вазн-бўй индекси барча гуруҳларнинг ёш даврларида ЖССТ стандарт меъерларига мос келган. Лекин она сути устуворлиги билан озикланган болаларда сезиларли даражада « $\pm 1СО$ » оралиғида силжишлар кузатилди.

Юқорида кўрсатилганларни инобатга олиб аралаш озикланган болаларда барча ёш гуруҳларида вазн етишмовчилиги ва ортиши хавфи улғайган сайин ортиб борган. Сунъий озикланган болаларда қуйидаги ҳолатлар кузатилган: семизлик – 13,3% ва вазннинг ортиши – 23,3%.

Шу билан бирга парвариш усуллариининг жисмоний ривожланиш кўрсаткичларига таъсири ҳам кузатилди. Асосий гуруҳ болалариининг 85,6% ида озиклантириш турларига боғлиқ бўлмаган ва ёшидан қатъи назар, кўрсаткичлар медиана ва « $\pm 1СО$ » оралиғида бўлиб, меъерий кўрсаткичларга

мос келган. 14,4% ҳолларда бу кўрсаткичлар меъёрдан сезиларли бўлмаган даражада фарқланиб, тана вазни ортиши ва оксил-энергия етишмовчилиги билан намоён бўлди.



**1-расм. Парвариш усулларига боғлиқ вазн-бўй индекси.**


Назорат гуруҳида 69,5% кўрсаткичлар БЖССТ меъёрий стандартлари оралиғида бўлди. Қолган ҳолларда жисмоний ривожланишдаги мувозанатнинг бузилиши кузатилиб, шулардан 15,3% ида тана вазнининг ортиши, 12,3% ида семизлик кўрсаткичларига мос келди.

Парвариш усулларидан фойдаланган ҳолда олинган антропометрик ўлчовлар натижаси ҳақидаги маълумотлар таҳлили, татбиқ этилган парвариш усуллари натижасида болаларнинг ривожланиши анъанавий усулда парвариш қилинган болалар риожланишидан юқорилигидан далолат беради.

Озиқлантириш турлари ва парвариш усуллари қўлланган 132 нафар болаларда руҳий-эмоционал ривожланишга мутлақ она сути ва парваришlash таъсири ўрганилди. Болаларда ақлий салоҳиятни баҳолаш олти ёшда Керн-Йиразека усулида ўтказилди. Бу услубни ўзбек контингенти учун мослаштириш ва стандартлаш психология фанлари доктори, профессор Б.Р.Қодиров томонидан олиб борилди. Олиб борилган тадқиқот натижасида мутлақ она сути билан озиқланган 1-гуруҳдаги болалар психологик синама натижалари бўйича юқори натижаларни кўрсатди. Мутлақ она сути билан озиқланган гуруҳдаги болаларда ўқиш, ҳисоблаш ва ёзиш она сути устуворлиги, аралаш ва сунъий озиқланувчи болаларга нисбатан юқори натижаларни кўрсатди. Мавжуд адабиётларда она сути билан озиқлантиришнинг бола ақлий салоҳияти ва руҳий ривожланишга таъсири нима билан боғлиқлигини кўрсатувчи аниқ маълумотлар йўқ. Бу таъсир она сути таркибидаги баъзи биологик фаол моддалар ҳамда она сути билан

озикланиш жараёнида она ва бола ўртасида юзага келувчи жисмоний ҳамда ижтимоий омиллар таъсири билан боғлиқлиги ҳақида маълумотлар берилган.

Энг паст психологик синама натижалари аралаш озиқланган 3-гуруҳда аниқланиб, олинган натижалар хулосаси кейинчалик гуруҳларда кўп миқдордаги иштирокчилар ўртасида ўтказилишини кўрсатди. Ўтказилган тадқиқот натижасида татбиқ этилган парвариш усуллари қўлланилган болаларда интеллектуал ва руҳий ривожланиш таққослов гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан юқорилиги қайд этилди.



2-расм. Болаларнинг ақлий ва руҳий ривожланиши.

Болаларнинг ақлий салоҳияти ва руҳий ривожланишидаги энг юқори ҳаққонийлик даражаси мутлақ она сути билан озиқланган ва татбиқ қилинган парвариш усуллари билан фойдаланган 1-гуруҳда  $18,85 \pm 0,18$  баллни кўрсатди. Она сути устуворлиги билан озиқланган 2-гуруҳда  $16,82 \pm 0,52$  балл, аралаш озиқланган 3-гуруҳда  $13,88 \pm 0,90$  балл ва сунъий озиқланган 4-гуруҳда  $16,7 \pm 0,54$  баллни ташкил этди ( $P < 0,01$ ). Шунингдек, татбиқ этилган парвариш усуллари қўлланилган гуруҳда озиқлантириш турларидан қатъи назар, кўрсаткичлар ва ишончлилик даражасининг юқорилиги қайд этилди ( $P < 0,05$ ).

Диссертациянинг «Болаларда озиқлантириш турлари ва парвариш усуллари билан озиқланган болаларда иммунитетнинг ҳам ҳужайравий, ҳам гуморал бўғинларида дисбаланс аниқланди.

Иммунологик ҳолат 1 ёшдан 6 ёшгача бўлган 123 нафар болалар орасида кузатилди. Мутлақ она сути билан озиқланган 1-гуруҳда 47 нафар, она сути устуворлиги билан озиқланган 2-гуруҳ 27 нафар, аралаш озиқланган 3-гуруҳда 26 нафар ва сунъий озиқланган 4-гуруҳда 26 нафар бола кузатувда



бўлди. Сунъий озикланган болаларда ҳам ҳужайравий, ҳам гуморал бўғинларида дисбаланс аниқланди. Бу дисбаланс лейкоцитлар, лимфоцитлар, CD3+, CD8+, CD16+, CD20+, CD23+, CD38+, CD95+ кўрсаткичларининг ҳаққоний ошиши, CD4+ ва ИРИ кўрсаткичларининг ҳаққоний пасайиши билан ифодаланди ( $P < 0,05$ ).

Гуморал бўғинда IgG ва M кўрсаткичларининг пасайиши ва шу билан бирга IgA нинг ошиши кузатилди. ЦИК меъёрий кўрсаткичлар оралиғида бўлиб, 1, 2 ва 3-гуруҳларда ҳаққоний ўзгаришлар кузатилди.

Шундай қилиб, болаларда ёш ортиб бориши билан иммунологик кўрсаткичлардаги ўзгаришлар озикланиш турига боғлиқ бўлиб, сунъий озикланган болаларда бу кўрсаткичлардаги ўзгаришлар яққол намоён бўлди.

Иммунологик кўрсаткичларнинг таққослов таҳлили натижасида 4–6 ёшда сунъий озикланган болалар гуруҳида лейкоцит, лимфоцит, CD3+ нинг ошиши ва CD4+ нинг ҳаққоний пасайиши кузатилди. Шунингдек, қон таҳлилида табиий киллерлар ошиши акс этди ( $P < 0,05$ ). 4-гуруҳда B лимфоцитлар 1, 2, 3-гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан ҳаққоний ошди ҳамда 1-гуруҳга нисбатан 6,4%, 2-гуруҳга нисбатан 5,7% ва 3 гуруҳга нисбатан 2,2% ни ташкил қилди. Айниқса, аллергиязация омили эътиборга лойиқ бўлиб, сунъий озикланган болаларда мутлақ она сути билан озикланган гуруҳ ( $29,9 \pm 1,0\%$  га қарши  $20,3 \pm 0,23\%$  мос ҳолда;  $P < 0,05$ ) ва она сути устуворлиги билан озикланган гуруҳ ( $29,9 \pm 1,0\%$  га қарши  $21,2 \pm 0,62\%$  мос ҳолда;  $P < 0,05$ )га нисбатан юқорилиги кузатилди. Шунингдек, аралаш озикланган гуруҳда CD23+ кўрсаткичининг ( $29,9 \pm 1,0\%$  га қарши  $25,2 \pm 1,2\%$  мос ҳолда) ҳаққонийлик даражаси паст ҳолда ошиши аниқланди.

Сунъий озикланган болаларда апоптоз омили кўрсаткичлари она сути билан озикланган гуруҳга нисбатан ( $30,8 \pm 1,1$  га қарши  $22,7 \pm 0,47\%$ ) юқори бўлди. Шунингдек, ҳаққонийлик даражаси юқори бўлган кўрсаткичлардаги фарқ аралаш озикланган гуруҳда ( $25,2 \pm 1,2$  қарши  $22,7 \pm 0,47\%$  га) қайд этилди.

Гуморал иммунитетда IgA ва M кўрсаткичлари дисбаланси аралаш ва сунъий озикланган гуруҳда, IgG кўрсаткичлари 3-гуруҳда 1- ва 2-гуруҳга нисбатан пасайиши кузатилди.

ЦИКнинг йирик ҳамда майда кўрсаткичлари аралаш ва сунъий озикланган гуруҳларда 1- ва 2-гуруҳларга нисбатан ҳаққоний ошганлиги кузатилди. Парвариш усуллари самарадорлигини аниқлаш учун болалар 2 гуруҳга бўлинди: асосий гуруҳни ташкил этган 59 нафар болада татбиқ этилган парвариш усулидан, назорат гуруҳидаги 64 нафар болада анъанавий парвариш усулларидан фойдаланилди.

Кузатувдаги барча болаларда иммунограмма кўрсаткичлари хусусиятлари динамикада озиклантириш турлари, парвариш усуллари ва ёш даврларига боғлиқ ҳолда ўтказилди. Эрта ёшдаги болаларда 3 ёшгача қуйидаги тартиб-қоидалар қайд этилди. Бу ёшда татбиқ қилинган парвариш усулларига боғлиқ ҳолда гуморал ва ҳужайравий иммунитет кўрсаткичлари меъёрий оралиқда бўлди, лекин анъанавий парвариш усуллари қўлланган

гуруҳда (назорат гуруҳи) меъерий кўрсаткичларнинг юқори ва паст чегараларида ёки бу чегаралардан силжишлар кузатилди.

Гуморал иммунитет бўғинида анъанавий парвариш усуллари қўлланилган аралаш ва сунъий озикланган гуруҳларда IgA ва M кўрсаткичлари дисбаланси қайд этилди. ЦИКнинг йирик ва майда кўрсаткичлари аралаш ва сунъий озикланган болаларда юқори бўлиб, мутлак ва она сути устуворлиги билан озикланган болалардан фарқланди. Яққол ўзгаришлар назорат гуруҳида аниқланди.

Иммунологик кўрсаткичлар динамикасида парвариш усуллари ва озиклантириш турларига боғлиқ дисбаланс кузатилди. 4–6 ёшда сунъий озикланган болаларда лейкоцитлар, лимфоцитлар, CD3+ нинг ҳаққоний ортиши ва CD4+ кўрсаткичининг ҳаққоний пасайиши кузатилди. Лекин яққол ўзгаришлар назорат гуруҳида намоён бўлди. Шунингдек, CD16+ нинг ортиши, айниқса, назорат гуруҳида кўзга ташланди ( $P < 0,05$ ).

Сунъий озикланган ва назорат гуруҳида ҳаққоний ортиб, мутлак она сути ( $29,9 \pm 1,0\%$  га қарши  $20,3 \pm 0,23\%$  мос ҳолда;  $P < 0,05$ ) ва она сути устуворлиги билан озикланган гуруҳларда ( $29,9 \pm 1,0\%$  га қарши  $21,2 \pm 0,62\%$ ;  $P < 0,05$ ) аллергияция омили қайд этилди.

Сунъий озикланган болаларда CD23+ кўрсаткичининг ортиши аралаш озикланган болаларга нисбатан ( $29,9 \pm 1,0\%$  га қарши  $25,2 \pm 1,2\%$  мос ҳолда) кузатилиб, озиклантириш турлари билан бир қаторда парвариш усуллари га ҳам боғлиқ бўлди. Асосий гуруҳда бу кўрсаткичлар меъерий кўрсаткичларга тенг бўлиб, назорат гуруҳида 36% га ошиши кузатилди. Апоптоз кўрсаткичлари сунъий озикланган гуруҳда она сути билан озикланган гуруҳ кўрсаткичларидан ҳаққоний ортиши кузатилди.

Шунингдек, аралаш озикланган гуруҳда кўрсаткичлар ҳаққоний ошиши қайд этилди. Лекин бу гуруҳда кўрсаткичлар ошиши, асосан, парвариш усуллари га боғлиқ кечди.

Гуморал иммунитетда IgA ва M кўрсаткичлари номутаносиблиги аралаш ва сунъий озикланган ва анъанавий парвариш усуллари дан фойдаланган назорат гуруҳида яққол намоён бўлди.

Аралаш ва сунъий озикланган гуруҳда ЦИКнинг йирик ва майда кўрсаткичлари мутлак ва она сути устуворлиги билан озикланган гуруҳга нисбатан ҳаққоний ошди. Татбиқ этилган парвариш усуллари қўлланилган гуруҳда меъерий кўрсаткичлар оралиғига мослиги ва яққол намоён бўлмаганлиги аниқланди.

